



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3266
2020 yil 30 iyun



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари
ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий кирғин қуролини
тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича
ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳакида

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги ва “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий кирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги конунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қарор қилади:

1. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий кирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур карор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2020 йил 24 "июнь",
357-B -сон



М. Нурмуратов

Бош прокуратура ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи

Тошкент ш.,
2020 йил 24 "июнь",
13 -сон



Д. Раҳимов

Ўзбекистон Республикаси Марказий
банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий
жиноятларга қарши курашиш департаментининг
2020 йил 24 июндангы 357-В ва 13-сон қарорига
ИЛОВА

**Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари
операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга
ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга
қарши курашиш бўйича ички назорат
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
бенефициар мулкдор – яқуний ҳолатда мулк ҳуқуқига эгалик қилувчи ёки мижозни ҳақиқатда назорат қилувчи, ва манфаати кўзланган ҳолда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция амалга оширилаётган жисмоний шахс;

ички назорат – тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг мижозларни лозим даражада текшириш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш, шубҳали операцияларни аниқлаш, ҳамда террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар билан боғлиқ операцияларни аниқлашга доир фаолияти;

ички қоидалар – тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи ички ҳужжат;

мижозни идентификациялаш – мижозни лозим даражада текшириш мақсадида мижозлар ҳақиқатида маълумотларни улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ёки ўрнатилган тартибда учинчи томонлардан олинган маълумотлар, очик манбаларда ва маълумотлар базаларида мавжуд бўлган кўшимча тасдиқланган маълумотлар асосида аниқлаш;

мижоз – тўловни амалга ошириш учун фармойиш берган шахс;

Рўйхат – маҳсус ваколатли давлат органи томонидан терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларидан тақдим этилаётган маълумотлар, шунингдек чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларидан расмий каналлар орқали тақдим этилаётган маълумотлар асосида тузилган террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхати;

юқори мансабдор шахслар – давлат органларида доимий, вақтингча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув вазифаларини бажарувчи ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколатли шахслар, шунингдек, кўрсатилган функцияларни халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида бажарувчи шахслар;

таваккалчилик – мижозлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида операцияларни амалга ошириш таваккалчилиги;

ички назорат тизими – мазкур Қоидалар ва ички қоидалар билан белгиланган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришга қаратилган тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг ҳаракатлари йигиндиси;

маҳсус ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;

масъул ҳодим – тўлов тизими оператори, электрон пуллар оператори ёки тўлов ташкилоти билан меҳнат шартномасини тузган, ўз лавозим мажбуриятларига асосан ички назоратнинг амалга оширилиши учун масъул бўлган шахс;

электрон ҳамён – электрон пуллар сақланадиган ва улардан фойдаланиш имконини берадиган электрон пуллар тизимининг дастурий таъминоти, микропроцессор (чип) ва дастурий-техник воситалар;

электрон ҳамённи блоклаш – электрон ҳамёнга кириш ва электрон пулларни ишлатишни тақиқлаш, электрон ҳамёнга келиб тушган электрон пулларни ҳисобга киритиб кўйиш операциялари бундан мустасно;

электрон тўлов – техник воситалар, ахборот технологиялари ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари орқали нақдсиз пул тўловларини амалга ошириш;

учинчи томон – Ўзбекистон Республикаси худудида рўйхатдан ўтган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларни тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасида кўрсатилган ташкилотлар.

2. Ички назорат тизими асосий мақсади қуидагилар ҳисобланади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларни тарқатишни молиялаштиришга йўналтирилган операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш;

тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг қасдан ёки қасдан бўлмаган ҳолда жиноий фаолиятга жалб қилинишига йўл қўймаслик;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш.

3. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари, улар агентлар ва (ёки) субагентлар орқали бевосита ёки билвосита ҳаракат қилишларидан қатъий назар, ички назорат тизимининг асосий вазифалари:

таваккалчиликларни аниқлаш ва баҳолаш, ҳужжатлаштириш ва уларни камайтириш бўйича тегишли чораларни кўриш;

мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатлар билан белгиланган тартибда шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялар тўғрисидаги ахборотлар (ҳужжатлар)ни маҳсус ваколатли давлат органига ўз вақтида тақдим этиш;

Рўйхат билан солиштириш орқали операция иштирокчилари орасида террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш;

Рўйхатга киритилган шахсларнинг операциясини кечиктирмасдан ва олдиндан хабар қилмасдан тўхтатиб туриш, бундан мижознинг банк ҳисобварагига (банк картасига, электрон ҳамёнга) келиб тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операциялар мустасно, ва (ёки) пул маблағларини ёки электрон пулларни ишга солмай тўхтатиб қўйиш;

операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларнинг конун ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида сақланишини таъминлаш;

сўровлар бўйича мижозлар базасидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, террорчилик фаолиятини молиялаштиришга ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштиришга алоқадор шахсларни аниқлаш;

янги технологиялар асосида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштириш учун тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг хизматларидан фойдаланиш таҳдидини олдини олиш мақсадида зарур бўлган чора-тадбирларни қўллаш;

4. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари ўзларининг тўлов агентлари ва (ёки) тўлов субагентларининг фаолиятини ҳисобга олган ҳолда, конун ҳужжатлари ва мазкур Қоидалар талабларидан келиб чиқиб қуидагилар акс эттирилган ички қоидаларни мажбурий тартибда ишлаб чиқадилар:

ички назорат тизимини ташкил этиш тартиби ва унинг тузилмаси, масъул ходимини тайинлаш;

тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари бўлинмалари ходимларининг масъул ходим билан ўзаро муносабатлари тартиби;

тўлов агентлари ва тўлов субагентларининг масъул ходим билан ўзаро муносабатлари тартиби;

мижозларни лозим даражада текшириш, шу жумладан мижозларни ва уларнинг бенефициар мулқдорини идентификациялаш, шунингдек мижозларнинг операциялари устидан доимий мониторингни амалга ошириш тартиби;

зарур бўлган ахборотни расмийлаштириш ва унинг мағфийлигини таъминлаш тартиби;

шубҳали операцияларни аниқлаш тартиби;

шубҳали операциялар тўғрисидаги хабарларни тайёрлаш ва уларни маҳсус ваколатли давлат органига юбориш тартиби;

Рўйхатга киритилган шахсларнинг тўхтатиб қўйилган пул маблағлари ёки электрон пуллардан фойдаланишга рухсат олиш бўйича мурожаатларини маҳсус ваколатли давлат органига юбориш тартиби;

KASI
LAT
TIDA
ZILDI

BILGI

юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар билан амалий иш муносабатларига киришиш тартиби ҳамда улар томонидан амалга оширилаётган операцияларни чукур мониторинг қилиш тартиби;

масъул ходимни ва бошқа бўлинмалар ходимларини тайёрлаш ва ўқитишга доир малака талаблари;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий кирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга оид таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, уларни камайтириш ва расмийлаштириш бўйича тегишли чораларни кўриш тартиби;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий кирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланишининг олдини олишга қаратилган чоралар;

пул маблағларини олувчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақида талаб қилинган маълумотлари мавжуд бўлмаган пул ўтказмалари аниқланган ҳолларда кўриладиган чоралар; қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар.

Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг ички қоидалари мазкур Қоидаларга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши ҳамда аниқланган таваккалчиликлар ва уларнинг баҳосидан келиб чишиб тузилиши ва янгиланиб борилиши керак.

Ички қоидалар, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тўлов тизими оператори, электрон пуллар тизими оператори ва тўлов ташкилотининг бошқарув органи томонидан тасдиқланади.

Ички қоидалар тўлов тизими оператори, электрон пуллар тизими оператори ва тўлов ташкилотининг барча бўлинмаларига ҳамда чет элдаги шўъба, филиал ва ваколатхоналарига ижро учун мажбурийдир.

Тўлов тизими оператори, электрон пуллар тизими оператори ва тўлов ташкилотининг чет давлатдаги шўъбаси, филиал ва ваколатхоналари ички назорат қоидалари, уларни рўйхатга олаётган давлат қонунчилиги талаблари инобатга олинган ҳолда тасдиқланади.

5. Ички қоидаларга риоя этилиши тўлов агентлари ва тўлов субагентлари учун мажбурийдир.

2-боб. Ички назорат тизимини ташкил этиш

6. Ички назорат тизими тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари ишининг жиҳатлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, агент, субагент ва мижозлар базаси ҳамда мижозлар ва уларнинг операциялари билан боғлиқ таваккалчилик даражасини хисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг чет элда шўъбаси, филиали ва ваколатхонаси мавжуд бўлган ҳолатда, чет элдаги шўъбанинг, филиалнинг ва ваколатхонанинг ички назоратни амалга оширишга масъул бўлинмаси (масъул ходими) тўлов тизимлари оператори, электрон пуллар тизими оператори ва тўлов ташкилотининг бош официдаги ички назорат масъул ходимига хисобдордир.

7. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг ички назорат тизими тузилмаси бошқарувнинг юқори ёки ижро органининг қарори билан белгиланади.

ADLIYA VAZIYAT

8. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг ички назорат масъул ходими ижро этувчи раҳбарнинг буйруги билан тайинланади.

9. Масъул ходимнинг лавозим вазифалари тўлов тизими оператори, электрон пуллар тизими оператори ёки тўлов ташкилотининг бошқа ходимига, унда тегишли иш тажрибаси мавжуд бўлганда ёки тегишли малака ўташ жараёнидан ўтганда, юклатилиши мумкин.

10. Ички назорат тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг масъул ходими ва бошқа бўлинмалари ходимлари томонидан амалга оширилади.

11. Масъул ходим лавозими тайинланувчи шахс қўйидагиларни билиши лозим:

тўлов ва тўлов тизимлари, ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни.

12. Масъул ходимнинг функцияларини қўйидаги шахслар бажариши мумкин эмас:

ўз фаолияти ва шахсий хулқ авторида ишониб топширилган бўлинмани нотўғри бошқаргани ёки ишни вижданан юритмаганини намоён этган шахслар;

иктисодиёт соҳасидаги жиноятлари, бошқарув тартибига қарши жиноятлари, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва террорчиллик фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлари учун аввал суд томонидан жиноий жавобгарликка тортилган шахслар.

13. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари ички назорат тизими тузилмасини шакллантириш ва масъул ходимни тайинлаш бўйича қарор қабул қылганларидан сўнг, тайинланган шахс тўғрисидаги сўровнома маълумотларини илова қилган ҳолда бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) ва маҳсус ваколатли давлат органига ўн кундан кеч бўлмаган муддатда хабар бериши лозим.

14. Масъул ходим қўйидаги хукуқларга эга:

ички назоратни амалга ошириш мақсадида тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларидан керакли ҳужжатларини талаб қилиб олиш;

ички назоратни амалга ошириш мақсадида олинган ҳужжатлардан нусха қўчириш, тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг электрон маълумотлар базаларида, локал ҳисоблаш тармоқлари ва автоном компьютер тизимларида сақланадиган файллар ва бошқа ёзувлардан фойдаланиш ва нусхалар олиш;

тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг бошқа бўлинмалари ходимларидан ёрдам сўраш ва олиш;

мазкур Қоидалар ва ички қоидаларга мувофиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

15. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг чет элдаги шўъба, филиал ва ваколатхоналари агарда улар жойлашган мамлакатнинг қонун ҳужжатларида тўлов тизими оператори, электрон пуллар тизими оператори ва тўлов ташкилотининг ички қоидаларига нисбатан енгилроқ ички назорат чоралари белгиланган бўлса, улар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни

легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда түлов тизими оператори, электрон пуллар тизими оператори ва түлов ташкилотининг ички қоидаларига риоя қилишлари керак.

16. Масъул ходим, ички назоратга тегишли масалалар бўйича бевосита түлов тизими операторининг, электрон пуллар тизими операторининг ёки түлов ташкилотининг ижро этувчи органи раҳбарига ҳисобдор ва бошқа бўлинмаларидан мустақилдир.

3-боб. Мижозларни лозим даражада текшириш

17. Мижозларни лозим даражада текшириш чора-тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

мижознинг шахсини текшириш ва идентификациялаш;

мижоз номидан иш кўрувчи шахсни идентификация қилиш, шахсини ва ваколат берувчи хужжатларини текшириш;

мижознинг бенефициар мулқорини идентификациялаш;

ўрнатилган иш муносабатлари ёки ўтказилиши режалаштирилаётган операцияларнинг мақсади ва характеристини ўрганиш;

мижоз томонидан амалга ошириладиган иш муносабатлари ва операцияларни уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти, таваккалчилик характеристи тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш ўтказиш.

Мижозларни лозим даражада текшириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилмайди:

банк картасидан фойдаланган ҳолда пул маблағларини товарлар (иш, хизматлар) учун түлов сифатида ўтказилиши, агар бундай банк картасининг рақами ва бошқа идентификация маълумотлари түловга бириктирилган бўлса;

томонлари түлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва түлов ташкилотлари, түлов агентлари (субагентлари) бўлган операциялар амалга оширилганда;

электрон пулларнинг эгаси бўлган жисмоний шахс томонидан амалга ошириладиган битта операциянинг энг кўп суммаси базавий ҳисоблаш миқдорига teng бўлган суммадан ошмаганда;

электрон пулларнинг эгаси бўлган жисмоний шахснинг битта электрон қурилмасида сақланадиган электрон пулларнинг энг кўп суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараварига teng бўлган суммадан ошмаганда.

18. Мижозларни идентификация қилиш түлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва(ёки) түлов ташкилотлари томонидан мижознинг шахсан ҳозирлигига ва ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни тақдим этганда ёхуд қонун хужжатлари талабларига зид бўлмаган бошқа усулда, шу жумладан масофавий идентификация қилиш тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

19. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари, тўлов агентлари (субагентлари) мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган учинчи томонларнинг текшириш натижаларига таянишлари мумкин. Бунда тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари қуйидагилар бўйича ишонч ҳосил қилишлари керак:

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича зарур маълумотларни (электрон тизимлар орқали) кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлиши;

сўровга асосан идентификация бўйича маълумотлар ва мижозларни лозим даражада текшириш бўйича тегишли хужжатларнинг нусхаларини кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлиши;

учинчи томон жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб бўйича қоидалар асосида ишлашига.

20. Мазкур Қоидаларда белгиланган ҳар қандай истисноларга қарамасдан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш бўйича шубҳалар мавжуд бўлганда тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни кўришлари шарт.

Мижозни лозим даражада текшириш жараёнида, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш бўйича шубҳалар мавжуд бўлган ҳолларда тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари лозим даражада текширишни амалга ошириш мижозга маълумотни ошкор бўлиб қолишига олиб келишига ишончи комил бўлса, лозим даражада текширишни амалга оширмасдан шубҳали операция тўғрисида ваколатли органга хабар юбориши мумкин.

21. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари, шу жумладан улар ўзларининг тўлов агентлари ва (ёки) субагентлари орқали иш олиб борган тақдирда мижозни лозим даражада текшириш имконияти мавжуд бўлмаса бу ҳақда маҳсус ваколатли давлат органига хабар бериши ва бундай мижоз билан ҳамкорлик муносабатларига киришиш ёки бундай мижознинг операцияларини амалга оширишдан воз кечиши ёхуд у билан ҳар қандай амалий иш муносабатларини тўхтатиши лозим.

22. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари юқори мансабдор шахслар бўйича қуйидаги чораларни кўришлари керак:

мижоз юқори мансабдор шахс эканлигини аниқлаш учун таваккалчиликларни бошқариш тизимларидан фойдаланиш;

юқори мансабдор шахснинг мавқеи тўғрисидаги маълумотларни текшириш ва операция бўйича пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг манбасини аниқлаш юзасидан ўринли чораларни кўриш;

юқори мансабдор шахс билан амалий иш муносабатларига фақатгина тўлов тизими оператори, электрон пуллар тизими оператори ва (ёки) тўлов ташкилотининг ижро раҳбари рухсати билан киришиш (ёки мавжуд мижозлар учун давом эттириш);

амалий иш муносабатларини мунтазам равишда чуқур мониторинг қилиб бориши.

23. Мижоз ёки мижоз томонидан амалга оширилаётган операция юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига киритилган тақдирда, тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари ушбу мижозга нисбатан лозим даражада текширишнинг қуйидаги кучайтирилган чора-тадбирларини кўришлари шарт:

мижоз ҳақида очик манбалар ва маълумотлар базаларидан қўшимча тасдиқланган маълумотларни йиғиши ва қайд этиш;

мижоздан у томонидан амалга оширилаётган операциялар бўйича пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг манбалари ҳақида маълумотларни олиш;

мазкур мижоз томонидан ўтказилиши режалаштирилган ёки ўтказилган операцияларнинг мақсадларини ўрганиш;

ушбу мижоз томонидан амалга оширилаётган операциялар устидан доимий мониторинг юритиши.

24. Лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларини амалга оширишни имкони бўлмаган тақдирда тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари бу ҳақда маҳсус ваколатли давлат органига хабар беришлари ва бундай мижоз билан амалий иш муносабатларига киришиш ёки бундай мижознинг операцияларини амалга оширишни рад этишлари керак.

25. Мижоз ва мижознинг бенефициар мулкдори идентификацияси мазкур Коидаларнинг 1 ва 2-иловаларида кўзда тутилган маълумотлар, шунингдек операциялар ва бошқа битимларнинг бажарилиши учун асос ҳисобланувчи хужжатлар ва бошқа зарур маълумотлар асосида, тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан, шу жумладан улар ўзларининг тўлов агентлари (субагентлари) орқали иш олиб борганда ҳам, амалга оширилади.

Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари, олинган маълумотлар (хужжатлар) ишончлигига шубҳалар мавжуд бўлганда, ушбу маълумотларни (хужжатларни) текшириш (верификациялаш) бўйича чораларни кўришлари лозим. Бундай ҳолатларда, тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари тегишли ташкилотларга мижозлар ҳақидаги маълумотларнинг (хужжатларнинг) ишончлигини (ҳақиқийлигини) аниклаштириш учун мурожаат қилишга ҳақли.

26. Мижозни ва операциянинг бошқа иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи барча хужжатлар ёки учинчи томон маълумотлари мижоз билан амалий иш муносабатларига киришиш ёки операцияни амалга ошириш санасида амалда бўлиши шарт.

27. Юридик шахс, юридик шахс бўлмаган ташкилот ва якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар бажарилаётганда куйидагиларни олиш лозим:

юридик шахс, юридик шахс бўлмаган ташкилот ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги тегишли хужжатларни;

юридик шахс ва юридик шахс бўлмаган ташкилотларнинг раҳбарияти ҳақидаги, шунингдек таъсис хужжатларида кўрсатилган маълумотлар.

Мазкур маълумотлар тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга кўйишни автоматлаштирилган тизими орқали олинади, ушбу тизимдан маълумотларни олиш имконияти бўлмаган тақдирда, улар бевосита мижозни ўзидан олинади.

28. Юридик шахс ва юридик шахс бўлмаган ташкилотларни лозим даражада текшириш жараёнида тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари алоқадор ёки ишончли манбадан олинган маълумотлардан фойдаланган ҳолда, шу жумладан қўйида келтирилган маълумотларни ўрганиш орқали, мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш ва шахсини текшириш юзасидан ўринли чораларни кўришлари керак:

мижознинг мулкчилик шакли ва бошқарув тузилмалари;

мижознинг таъсисчилари (жамият акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорлари ва иштирокчилари);

пировард натижада юридик шахс ёки юридик шахс бўлмаган ташкилотнинг (камида ўн фоиз) улушига эгалик қилувчи жисмоний шахс(лар)нинг шахсий маълумотлари (агар мавжуд бўлса).



Агар тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан кўрилган тегишли чоралар бенефициар мулкдорни аниқлаш имконини бермаса, улар мижознинг юқори раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган шахсни бенефициар мулкдор сифатида идентификация қилиш юзасидан ўринли чораларни кўришлари мумкин.

29. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари мавжуд мижозларга нисбатан уларнинг аҳамияти ва таваккалчиликлардан келиб чиқсан ҳолда лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни кўриши ва тегишли вақтда бундай муносабатларни лозим даражада текширишни, текширишлар қачон ўтказилганлиги ва умуман ўтказилган ёки ўтказилмаганлигини ҳамда олинган маълумотларни етарлилигини хисобга олган ҳолда ўтказишлари керак.

30. Мижоз ва мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялашда тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари, шу жумладан улар ўзларининг тўлов агентлари (субагентлари) орқали иш олиб боргандা, олинган маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳсус ваколатли давлат органи томонидан шакллантириладиган ва тақдим қилинадиган Рўйхат ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар рўйхати билан солишириб чиқиши шарт.

Мижоз ва мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш жараёнида Рўйхатга киритилган шахслар аниқланган тақдирда тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари мазкур Қоидаларнинг 8-бобида ўрнатилган чора-тадбирларни амалга ошириши шарт.

31. Тўлов ташкилотлари, шу жумладан улар ўзларининг тўлов агентлари (субагентлари) орқали, пул ўтказмалари тизимлари орқали пул маблағларини қабул қилиш ва амалга ошириш бўйича хизматларни кўрсатишда, улар:

ўзларининг бундай хизматларни кўрсатувчи таркибий бўлинмалари (тўлов агентлари (субагентлари), шохобчалари, бўлимлари ва бошқалар) ва ушбу таркибий бўлинмалар ходимларининг ҳисобини юритишлари;

пул ўтказмалари тизими орқали пул маблағларини қабул қилиш ва амалга ошириш бўйича хизматларни мижозларни лозим даражада текширгандан сўнг кўрсатиш;

жўнатиладиган пул ўтказмаларини мижоз-жўнатувчи ҳақидаги (мижознинг тўлиқ номи; жисмоний шахслар учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) серияси ва рақами; юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган ташкилотлар учун жўнатувчининг манзили ёки идентификацион рақами; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами) ва олувчи ҳақидаги (мижознинг тўлиқ номи; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами) аниқ маълумотлар билан бирга юборилишини таъминлашлари;

олувчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган пул ўтказмаларини аниқлаш бўйича асосли ва имкони мавжуд бўлган чораларни кўришлари шарт.

Тўлов ташкилотларига, пул ўтказмаси юқорида кўрсатилган талабларга жавоб бермаса, пул ўтказмаларини амалга ошириш тақиқланади.

32. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари, жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга шубҳалар мавжуд бўлганда, амалий иш муносабатларига киришиш ёки операцияларни (пул маблағларини ва электрон пулларни ҳисобга киритиш бўйича операциялар бундан мустасно) амалга оширишни рад этишлари ва бу ҳақида маҳсус ваколатли давлат органига хабар беришлари шарт.

4-боб. Таваккалчилик даражасини аниқлаш ва баҳолаш

33. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари таваккалчилик даражасини ўрганиш, таҳлил қилиш, аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, бошқариш, хужжатлаштириш ва уни камайтириш бўйича тегишли чораларни кўришлари керак.

Таваккалчилик даражаси мижознинг амалга оширадиган фаолият ва операциялари турларини, мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлар, мижозни лозим даражада текшириш натижаларини, таваккалчилик омилларини инобатга олган ҳолда маълумотларни, шу жумладан, мижоз томонидан тақдим қилинган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида, масъул ходим томонидан аниқланади ва баҳоланади.

Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари ўз фаолиятида жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан эҳтимолий таваккалчиликларни ўрганишни, таҳлил қилишни ва аниқлашни тизимли йилига камида бир марта амалга оширишлари, ҳамда ўрганиш натижаларини хужжатлар билан қайд этишлари лозим.

34. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари аввалдан қуйидаги мезонларга жавоб берадиган мижозларни юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига киритиб, уларга нисбатан кучайтирилган эътибор қаратишлари лозим:

- а) шубҳали операцияларни амалга оширувчи мижозлар;
- б) жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган ёки рўйхатга олинган шахслар;
- в) Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;
- г) юқори мансабдор шахслар, уларнинг яқин қариндошлари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар;
- д) ички қоидалар билан белгиланадиган бошқа шахслар.

35. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланишининг олдини олишга қаратилган чораларни кўришлари керак. Ушбу мақсадда тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари кўйида келтирилган ҳолатлардан келиб чиқиши мумкин бўлган таваккалчилик даражасини аниқлашлари ва баҳолашлари керак:

янги хизмат турлари ва янги иш амалиёти ишлаб чиқилиши;

янги ёки мавжуд хизмат турлари учун янги ёки ривожланаётган технологиялардан фойдаланилиши.

Таваккалчиликни бундай баҳолаш янги хизмат турларини, иш амалиётини татбиқ қилишдан ёки янги ёхуд ривожланаётган технологиялардан фойдаланишдан аввал ўтказилиши керак.

36. Электрон пуллар тизими фирибгарлик ҳатти-ҳаракатларидан химоя қилиш ва шубҳали транзакцияларни (операцияларни) аниқлаш, Рўйхатга киритилган шахслар томонидан амалга ошириладиган операцияларни ёки уларга тегишли бўлган электрон ҳамёнларни Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларининг талабларига мувофик блоклаш ва тўхтатиб туриш механизмларига эга бўлиши керак.

5-боб. Шубҳали операциялар мезонлари ва аломатлари

37. Операция қуидаги мезон ва аломатларнинг бири мавжуд бўлганда шубҳали деб тан олинади:

операция бажарувчи томонлардан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса;

пул маблағларининг битта шахсга тегишли ёки унга расмийлаштирилган бир ёки бир нечта банк карталарига ёхуд электрон ҳамёнларга бир ёки бир неча маротаба 30 кун давомида умумий ҳисобда базавий ҳисоблаш микдорининг 500 бараварига teng ёки ундан ортиқ микдорда ўтказилиши;

суммалари бўйича (масалан, четга чиқиш операцияларнинг ўртача суммасининг 50 фоизидан ошмайди) ўхшаш пул маблағлари ва электрон пулларнинг мунтазам равища (3 ой ичida кетма-кет) бир хил mijozлар томонидан бир хил бенефициарларга ўтказилиши ёки бир хил жўнатувчилардан бир хил mijozларга келиб тушиши;

пул маблағларини ўтказилиши бўйича аҳамиятга молик микдордаги операцияларнинг кўп mijozлар томонидан битта бенефициарга ёки аҳамиятга молик микдордаги манбалардан битта mijozга амалга оширилиши (аҳамиятга молик микдор сифатида, mijoz операциялари сонининг таққосланаётган вақт давридаги mijozнинг шу тусдаги операцияларининг ўртача сонидан 10 баравардан ортиқ микдорда ошиши тан олинади);

мазкур бандда назарда тутилган, мазкур қоидалар ва ички қоидалар билан ўрнатилаган мезон ва аломатларга эга бўлмаган, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқадорлигига тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида шубҳа мавжуд бўлган бошқа операциялар.

38. Ички қоидалар билан шубҳали операцияларни кўшимча мезонлари ва аломатлари белгиланиши мумкин.

Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари маҳсус ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Марказий банк томонидан ишлаб чиқиладиган ва тавсиявий характерга эга бўлган услубий кўлланмалар асосида шубҳали операцияларни дастлабки аниқлаш индикаторлари тизимини йўлга кўйишлари мумкин.

KASI

LAT
ATIDA
ZILDI

19/18

39. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари барча мураккаб, ғайриоддий йирик операцияларга, шунингдек аниқ иқтисодий ёки қонуний мақсадга эга бўлмаган операцияни амалга оширишнинг ғайриоддий схемаларига кучайтирилган эътибор қаратишлари, лозим ҳолларда мазкур операцияларни шубҳали сифатида тавсифлаб, бу ҳақида маҳсус ваколатли органига хабар беришлари керак.

40. Пул ўтказмалари бўйича юборувчи ва қабул қилувчи томонни ҳам назорат килувчи электрон пуллар тизимлари операторлари ёки тўлов ташкилотлари:

шубҳали операцияларни аниқлаш учун барча маълумотларни, шу жумладан юборувчи томондан ҳам, қабул қилувчи томондан ҳам олинган маълумотларни инобатта олишлари;

шубҳали пул ўтказмаси боғлик бўлган мамлакат(лар)да шубҳали операция тўғрисида хабар юборишлари ва пул ўтказмаси тўғрисидаги тегишли маълумотларни тегишли мамлакат(лар)нинг молиявий разведка бўлимларига тақдим этишлари керак.

6-боб. Террорчилик фаолияти ёки оммавий қирғин қуролини тарқатиша қатнашаётган ёки қатнашишда гумон қилинаётган шахслар иштирокида амалга ошириладиган операциялар

41. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари, шу жумладан улар ўзларининг агентлари (субагентлари) орқали, операцияларни амалга оширишда уларнинг иштирокчиларининг идентификация маълумотларини Рўйхат билан солишишилари шарт.

42. Мижоз ёки операция қатнашчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келган тақдирда тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари бу операцияни кечиктирмасдан ва олдиндан хабар килмасдан тўхтатиб туради (мижознинг банк ҳисобварафига (электрон ҳамёнга) тушган пул маблағларини (электрон пулларни) ҳисобга киритиш бўйича операциялар бундан мустасно) ва (ёки) пул маблағларини ёки электрон пулларни ишга солмай тўхтатиб қўяди.

Тўлиқ мос келиши дейилганда мижоз ёки операция иштирокчиси идентификация маълумотларининг Рўйхатда келтирилган барча тегишли маълумотлар билан аниқ ва сўзсиз мос келиши тушунилади.

Куйидаги ҳолатларда ҳам пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлик операцияни тўхтатиб туриш ва пул маблағларини ёки электрон пулларни ишга солмай тўхтатиб қўйиш лозим:

агарда операция қатнашчиларидан бири Рўйхатга киритилган шахс номидан ёки унинг топшириғига биноан фаолият кўрсатаётган бўлса;

операцияни амалга оширишда фойдаланилаётган пул маблағлари ёки электрон пуллар тўлиқ ёки қисман Рўйхатга киритилган шахсга тегишли бўлса;

операция қатнашчиси - юридик шахс ёки юридик шахс бўлмаган ташкилот Рўйхатга киритилган шахснинг мулкида ёки назорати остида бўлса.

43. Рўйхатга киритилган шахснинг операцияси тўхтатиб турилганда ва (ёки) пул маблағларини ёки электрон пулларини ишга солмай тўхтатиб қўйилганда тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари ишга солмай тўхтатиб қўйилган суммани кўрсатган ҳолда маҳсус ваколатли давлат органига шубҳали операция тўғрисида хабар юборишлари лозим.



7-боб. Махсус ваколатли давлат органига маълумотларни тақдим этиш

44. Шубҳали операция ҳақидаги хабар Ички назорат хизмати томонидан шубҳали операция аниқланган (амалга оширилган) кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай қонунчилик талабларига мувофиқ маъсус ваколатли давлат органига берилади.

45. Ҳар бир хабар тўғрисидаги маълумот маъсул ходим томонидан сақланилиши таъминланадиган маъсус журналга киритилади.

46. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари тегишли операциянинг шубҳали эканлигини тасдиқловчи ёки шубҳалигини олиб ташловчи ҳар қандай маълумот юзасидан дарҳол маъсус ваколатли давлат органига хабар беришлари шарт.

8-боб. Рўйхатга киритилган шахслар иштирокидаги операциялар аниқланганда амалга ошириладиган чора-тадбирлар

47. Агар мижоз билан муносабатларни ўрнатиш даврида ёки операцияни амалга оширишда мижоз ёки операция қатнашчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келганлиги аниқланган тақдирда, масъул ходим кечиктирмасдан ва мижозни хабардор қилмасдан қўйидаги чора-тадбирларни кўриши лозим:

операцияни тўхтатиб қўйиш ва бундай операция бўйича пул маблағлари ёки электрон пулларни ишга солмай тўхтатиб қўйиш;

қонунчилик талабларига мувофиқ операция бўйича ишга солмай тўхтатиб қўйиш лозим бўлган пул маблағлари ёки электрон пулларни аниқлаш;

операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида ишга солмай тўхтатиб қўйилган пул маблағлари ва электрон пулларнинг микдорини кўрсатган ҳолда шубҳали операция тўғрисидаги хабарни зудлик билан маъсус ваколатли давлат органига юбориш;

операция ҳақидаги маълумотни маъсул ходимнинг электрон журналига киритиш.

48. Ишга солмай тўхтатиб қўйилган пул маблағлари ёки электрон пуллардан фойдаланишга рухсат бериш тартиби қонунчилик билан белгиланади.

49. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари тўхтатилган операцияни ўтказишни тиклашни ва ишга солмай тўхтатиб қўйилган пул маблағлари ва электрон пуллардан фойдаланишга рухсат беришни Террорчилик фаолиятида ёки оммавий кирғин куролини тарқатишида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон килинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкини ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкидан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь) белгиланган тартибда амалга оширадилар.

9-боб. Маълумотлар ва хужжатларни расмийлаштириш, сақлаш ва маҳфийлигини таъминлаш

50. Мижозни лозим даражада текшириш жараёнида олинган мижоз тўғрисидаги маълумотлар, мазкур Қоидаларнинг З-иловасига мувофиқ маълумотларни ўз ичига олевчи мижознинг электрон анкетасида қайд этилади. Тўлов тизимлари операторлари, электрон

пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари ички ҳужжатларга мувофиқ мижоз анкетасига бошқа маълумотларни киритиш хукуқига эга.

51. Барча мижозлар (лозим даражада текшириш талаб этилмайдиган мижозлар бундан мустасно) бўйича анкеталар электрон шаклда тўлдирилади. Барча мижозлар, шу жумладан шубҳали операцияларни амалга оширувчи мижозлар бўйича анкеталар реестри электрон шаклда юритилади.

52. Электрон шаклда тўлдирилган анкеталар мижозларнинг идентификациясини амалга оширувчи тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари ҳамда уларнинг тўлов агентларининг (субагентлари) ходимларига мижоз тўғрисидаги маълумотларни текшириш учун доимий режимда тезкор фойдаланиш имкониятини берувчи электрон базада сақланади.

53. Мижоз анкетасида кўрсатиладиган маълумотларнинг ўзгаришига, шунингдек у томонидан амалга оширилаётган молиявий операцияларнинг тавсифи ўзгаришига қараб, тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари зарур ҳолларда мижоз билан ишлаш бўйича таваккалчилик даражасини қайта кўриб чиқади.

54. Операциялар тўғрисидаги ахборот, зарурат туғилган тақдирда, операция тафсилотларини қайта тиклаш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим.

55. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш ва мижозларни лозим даражада текширишга доир барча маълумотларни, хизмат ёзишмалари, ҳар қандай ўрганиш ёки тахлил натижаларини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида, лекин бундай операциялар амалга оширилганидан ёки мижозлар билан амалий иш муносабатлари тўхтатилганидан кейин камидан беш йил мобайнida сақлашлари шарт.

56. Электрон шаклдаги ҳужжатлар дастурий усул асосида архивлаштирилиши, электрон ахборот ташувчи воситаларга ёзилиши ва масъул ходим томонидан сақланиши керак.

57. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб билан боғлиқ бўлган ахборотга, шу жумладан, архивда сақланаётган ҳужжатларга кириш имкониятини чеклайдилар, унинг тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда мижозларга уларнинг операциялари ҳақида маҳсус ваколатли давлат органига хабар берилганилиги тўғрисида маълум қилиш хукуқига эга эмаслар.

Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари ички назорат вазифаларини бажариш жараёнида олинган маълумотларнинг унинг ходимлари томонидан ошкор қилинмаслигини (ёки шахсий мақсадда ёхуд учинчи шахслар манфаатларида фойдаланилмаслигини) таъминлайди, мазкур Коидаларда кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бундан мустасно.

58. Мижозларни лозим даражада текшириш натижасида олинган маълумотлар аҳамияти ва таваккалчиликлардан келиб чиқсан ҳолда ҳамда мижоз маълумотларида ўзгаришлар бўлганда, бироқ мижоз томонидан жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришни амалга ошириш таваккалчилиги тўлов тизими оператори, электрон пуллар тизими оператори ёки тўлов ташкилоти томонидан юқори баҳолангандан йилига камидан бир маротаба, бошқа ҳолларда икки йилда камидан бир маротаба янгиланиши лозим.

10-боб. Ички назорат хизмати ҳамда бошқа бўлинмалар раҳбар ва ходимларининг жавобгарлиги

59. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари, шу жумладан, масъул ходимлар ва бошқа бўлинмалар ходимлари мазкур Қоидаларни бузганлиги учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

60. Қонун хужжатлари, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий кирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши қурашиб соҳасидаги қонун хужжатларини тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари ходимлари томонидан операцияларни амалга ошириш жараёнида бузиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги тўғрисида далиллар маълум бўлиб қолганда, тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари ходимлари ушбу далилларни дарҳол ижрои раҳбарга ёки масъул ходимга ёзма равишда етказадилар.

61. Тўлов ташкилотлари тўлов агентлари ва субагентлари томонидан ушбу Қоидалар ва ташкилотнинг ички қоидалари талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишлари лозим.

62. Тўлов ташкилотлари ўзларининг тўлов агентлари ва субагентлари томонидан ушбу Қоидаларнинг талабларини бузганликлари учун жавобгар бўлади.

63. Тўлов агентлари ва субагентлари тўлов ташкилотининг ички қоидалари талабларини бузганликлари учун жавобгар бўлади.

11-боб. Якуний қоидалар


64. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан мазкур Қоидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Марказий банк томонидан, зарур ҳолларда маҳсус ваколатли давлат органи билан биргаликда, амалга оширилади.

65. Марказий банк тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан белгиланган тартибда тақдим этилаётган ҳисботлар асосида ички назоратни ташкил этилиши ва унинг самарадорлиги бўйича мазкур Қоидаларга риоя қилиниши устидан масофавий мониторингни амалга оширади.

66. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг ижро этувчи органи ўзгаётган ички ва ташки вазиятларни инобатга олган ҳолда, ички назорат тизимини доимий равишда мониторинг қиласи ва самарадорлигини баҳолаб боради, шунингдек самарали ишлашини таъминлаш учун заруратга қараб уни мустаҳкамлайди.

Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида ички аудит хизмати мавжуд бўлганда, масъул ходим фаолиятининг самарадорлиги мониторинги ички аудит хизмати томонидан ҳам олиб борилиши мумкин.

67. Ички назорат тизiminинг камчиликлари аниқланган тақдирда тўлов тизими операторининг, электрон пуллар тизими операторининг ёки тўлов ташкилотининг ижро этувчи органи раҳбари ушбу камчиликларини ўз вақтида бартараф қилинишини таъминлаши лозим.



Тўлов тизимлари операторлари, электрон
пуллар тизимлари операторлари ва тўлов
ташкилотларида жиной фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга, терроризмни
молиялаштиришга ва оммавий қирғин
куролини тарқатишни молиялаштиришга
карши курашиш бўйича ички назорат
коидаларига
1-ИЛОВА

**Жисмоний шахсларни идентификациялашда зарур бўладиган
МАЪЛУМОТЛАР**

1. Фамилияси, исми, отасининг исми.
2. Туғилган санаси ва жойи.
3. Фуқаролиги.
4. Доимий ва (ёки) вақтинчалик яшаш жойи.
5. Паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат реквизитлари: ҳужжат серияси
ва рақами, ҳужжат берилган сана, ҳужжатни берган орган номи.
6. Солик тўловчининг идентификация рақами (агар мавжуд бўлса).
7. Мобил телефони рақами (агар мавжуд бўлса).



Тұлов тизимлари операторлари, электрон
пуллар тизимлари операторлари ва тұлов
ташкілотларида жиной фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга, терроризмни
молялаштиришга ва оммавиі кирғин
қуролини тарқатишни молялаштиришга
карши курашиш бүйічі ачык назорат
коидаларига
2-ИЛОВА

**Юридик шахслар, юридик шахс бўлмаган ташкілотлар ва якка тартибдаги
тадбиркорларни идентификациялашда зарур бўладиган
МАЪЛУМОТЛАР**

1. Юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган ташкілотларни идентификациялашда
зарур бўладиган маълумотлар:

- а) тўлиқ, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномасида
кўрсатилган бўлса, қисқартирилган номи;
- б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи
орган номи;
- в) солиқ тўловчининг идентификация рақами;
- г) жойлашган ери (пошта манзили);
- д) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа
маълумотлар;
- е) лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун мавжуд
бўлган лицензиялар тўғрисида маълумотлар: фаолият тури, лицензиянинг рақами ва берилган
санаси, ким томонидан берилганлиги, амал қилиш муддати;
- ж) имзо хукуқига эга жисмоний шахсни ёки юридик шахс, юридик шахс бўлмаган
ташкілот номидан иш кўрувчи жисмоний шахсни идентификацияси тўғрисидаги маълумотлар;
- з) таъсисчилар (акциядорлари, иштирокчилари) ҳақидаги ҳамда уларнинг устав
фонди (капитали)даги улушлари тўғрисидаги маълумотлар;
- и) рўйхатга олинган ва тўланган устав фонди (капитали) миқдори тўғрисидаги
маълумотлар;
- к) бошқарув органлари (бошқарув органларининг тузилмаси ва шахсий таркиби)
тўғрисидаги маълумотлар;
- л) телефон рақамлари.

2. Якка тартибдаги тадбиркорларни идентификациялашда зарур бўлган маълумотлар:

- а) Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тұлов
ташкілотларида жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни
молялаштиришга ва оммавиі кирғин қуролини тарқатишни молялаштиришга қарши
курашиш бўйича ачык назорат коидаларининг 1-иловасида назарда тутилган маълумотлар;
- б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи
орган номи;
- в) фаолият амалга ошириладиган жой;
- г) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа
маълумотлар;

- д) фаолият турларини амалга ошириш учун мавжуд гувоҳномалар ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар: фаолият тури, лицензия рақами, берилган санаси, ким томонидан берилганлиги, амал қилиш муддати;
- е) телефон рақамлари.



Тўлов тизимлари операторлари, электрон
пуллар тизимлари операторлари ва тўлов
ташкилотларида жиной фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга, терроризмни
молиялаштиришга ва оммавий қирғин
куролини тарқатишни молиялаштиришга
карши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига
З-ИЛОВА

Мижоз анкетасида кўрсатиладиган МАЪЛУМОТЛАР

1. Мижозни идентификациялаш жараёнида олинган, Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларнинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган маълумотлар.
2. Мижознинг бенефициар мулкдори тўғрисидаги маълумотлар.
3. Мижознинг юқори мансабдор шахс (унинг оила аъзоси ёки унга яқин шахс) эканлиги тўғрисида белги.
4. Таваккалчилик даражаси ҳақида маълумот, шу жумладан, таваккалчиликни баҳолаш асослари.
5. Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан мижозни идентификациялашда амалга оширилган кўшимча чора-тадбирлар натижалари.
6. Мижоз билан муносабатлар ўрнатилган сана.
7. Мижоз анкетаси тўлдирилган ва ўзгартириш киритилган сана.
8. Мижоз билан ишлашга масъул ходим, хусусан, ҳисобварақ очган ва ҳисобварақ очилганлигини тасдиқлаган ходим (бош бухгалтер ва унинг муовини) фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими.
9. Қоғоз шаклидаги мижоз анкетасини тўлдириган ходим имзоси (фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ҳолда) ва электрон кўринишдаги мижоз анкетасини тўлдириган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими.
10. Ички қоидаларда белгиланадиган бошқа маълумотлар.

